



2017 у.г. «23» март № 636-К Самарқанд т. – р. Самарқанд

**Фуқаро Кобилов Назиржон Ашрафовичга тумандаги Қўлбаипоён кишлоқ
фуқаролар йиғини Гулобод агротехсервис агрофирмаси Андижони
махалласи худудидан кичик футбол майдончаси қуриш учун
ер майдони ажратиш тўғрисида**

Самарқанд вилоят ҳокимлиги танлов комиссиясининг 2017 йил 28 январдаги 03/3-54-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботлари ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган танлов савдолари юзасидан” 1-сонли баённомасини инobatга олиб, танлов ғолиби Кобилов Назиржон Ашрафович туман ҳокими билан тузилган танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисидаги шартномасини инobatга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилоят ҳокимлиги танлов комиссиясининг 2017 йил 28 январдаги 03/3-54-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботлари ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган танлов савдолари юзасидан” 1-сонли баённомаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Танловга қўйилган 8-сон ер майдонининг ғолиби фуқаро Кобилов Назиржон Ашрафович бўлганлиги сабабли тумандаги Қўлбаипоён кишлоқ фуқаролар йиғини Гулобод агротехсервис агрофирмаси Андижони маҳалласи худудидан кичик футбол майдончаси қуриш учун 900,0 м.кв кишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ер майдони ажратилсин.

3. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З.Олимов)га, туман “Ермулккадастр” давлат корхонаси (Т.Шаропов)га, туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қаршиев)га, “Қўлбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини (М.Рахмонов)ларига тасдиқланган бош режа асосида танлов ғолибига ер майдонларини ўлчаб бериш, туман ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда ер ўлчаб бериш далолатномасини туман ҳокимлигига тақдим этиш вазифаси топширилсин.

4. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (Т.Шаропов)га ушбу танлов ғолибига ер майдонига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилиши ва туман давлат солиқ инспекциясига маълумот тақдим этиш вазифаси топширилсин.